

17. Қиёсов Ш. Жисмоний шахслар даромадларини солиқса тортниши тақомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дис. автореф. – Т.: ТМИ, 2019. – 30 б.
18. Сабиров М. Даромадларни солиқса тортниши механизмини тақомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дис. автореф. – Т.: ТМИ, 2019. – 66 б.
19. Аззамов А. Жисмоний шахсларни солиқса тортниши амалиётини тақомиллаштириш. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис. автореф. – Т., 2019.
20. Усманова М. Жисмоний шахсларнинг даромадларини декларация усулида солиқса тортниши тақомиллаштириш. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: БМА, 2011. – 23 б.
21. Бозоров А. Декларация асосида солиқ солинадиган даромадлар ва уларни солиқса тортниши тақомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Т., 2019.
22. Истемъол кайфияти шарҳи. 2021 йил III чорак. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки. https://cbu.uz/upload/iblock/d75/Istemol-kayfiyati-sharhi_III_chorak.pdf
23. Давлат солиқ хизмати. Йил якунлари. 2019 йил. <https://soliq.uz/storage/files/May2020/2c918089721802760172183236730002.pdf>
24. Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари.

РАҶАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА СОЛИҚ НАЗОРАТИНИИ ТАШКИЛ ЭТИШ МУАММОЛАРИ



doi: https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss4/a29

Назаров Суннатулла Амирilloевич -
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
хузуридаги «Ўзбекистон иқтисодиётини
ривожлантиришнинг илмий асослари ва
муаммолари» илмий-тадқиқот маркази
мустақил изланувчиси

Аннотация: Мақолада раҷамли иқтисодиёт шароитида солиқ назоратини ташкил этиш муаммолари ўрганилган бўлиб, солиқ текширувларининг бугунги қундаги ҳолати таҳлил қилинган ва хулоса ҳамда тақлифлар шакллантирилган.

Ключевые слова: солиқ назорати, солиқ текшируви, солиқ мониторинги, камерал солиқ текшируви, сайдёр солиқ текшируви, солиқ аудити.

ПРОБЛЕМЫ ОРГАНИЗАЦИИ НАЛОГОВОГО КОНТРОЛЯ В УСЛОВИЯХ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ

Назаров Суннатулла Амирilloевич -
научный сотрудник научно-исследовательского центра «Научные
основы и проблемы развития экономики Узбекистана» при
Ташкентском государственном экономическом университете

Аннотация: В статье рассматриваются проблемы организации налогового контроля в условиях цифровой экономики, анализируется современное состояние налоговых проверок, формулируются выводы и предложения.

Ключевые слова: налоговый контроль, налоговая проверка, налоговый мониторинг, камеральная налоговая проверка, выездная налоговая проверка, налоговая проверка.

PROBLEMS OF ORGANIZING TAX CONTROL IN THE DIGITAL ECONOMY

Nazarov Sunnatulla Amirilloevich -
Independent researcher of the scientific research
center "Scientific foundations and problems of
the development of the economy of Uzbekistan" under
the Tashkent State University of Economics

Abstract: The article examines the problems of organizing tax control in the digital economy, analyzes the current state of tax audits, and formulates conclusions and proposals.

Key words: tax control, tax audit, tax monitoring, camera tax audit, mobile tax audit, tax audit.

Кириш. Мамалакатимизда иқтисодий барқарорликни таъминлаш, ислоҳотларнинг амалий натижадорлигини оширишда рақамли иқтисодиётни шакллантириш ва уни амалиётга кенг жорий этиш муҳим ҳисобланади. Бу борада, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг қўйидаги фикрларини келтиришимиз мумкин: “Рақамли иқтисодиётга фаол ўтиш – келгуси 5 йилдаги энг устувор вазифаларимиздан бири бўлади. Рақамли технологиялар нафақат маҳсулот ва хизматлар сифатини оширади, ортиқча хажатларни камайтиради. Шу билан бирга, мени жуда қаттиқ ташвишга соладиган ва безовта қиласидиган энг оғир иллат – коррупция балосини йўқотишда ҳам улар самарали воситадир” [1].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5-октябрдаги “Рақамли Ўзбекистон - 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6079 сонли Фармонининг қабул қилиниши мамлакатимизда рақамли иқтисодиётга ўтишнинг стратегиясини белгилаб берди [2]. “Рақамли Ўзбекистон - 2030» стратегияси бевосита солиқ назоратини рақамли иқтисодиёт талабларига мослаштириш зарурятини келтириб чиқаради.

Мамлакатимизда иқтисодиётини рақамлаштиришни ривожлантириш шароитида қонун бузилиши, солиқ солинадиган базани пасайтириш, солиқ тўлашдан бўйин товлаш ҳолатларининг олдини олиш учун солиқ тизимини такомиллаштириш ва солиқ назоратини модернизация қилиш заруряти пайдо бўлмоқда.

Иқтисодиётни рақамлаштириш шароитида солиқ назорати солиқ тўловчилар томонидан солиқ мажбуриятларининг бажарилиши тўғрисидаги маълумотларни таҳлил қилиш ва таққослаш қўшимча солиқлар, жарималар ва пенялар шаклида бюджетга қўшимча тўловларни ундириш имконини берувчи ҳамда бу орқали солиқ қонунчилигини бузилишини олдини олиш ёки минималлаштиришни таъминлайдиган турли рақамли ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш ва қўллашга асосланади.

Солиқ органларининг назорат тадбирларини амалга ошириш солиқ органларининг мансабдор шахслари томонидан ўз ваколатлари доирасида амалга ошириладиган солиқ назорати шаклларида. Солиқ назоратини аҳамиятини Э.Н.Голик ва А.Г.Асатрянлар ўз тадқиқотларида қуйидагича эътироф этишган: “Сўнгги йилларда солиқ тўлашдан бўйин тов-

лашнинг асосий мақсадини қўзловчи турли “кулранг” схемаларни амалий қўллаш муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлайдилар. Ушбу муаммони ҳал қилиш солиқ назоратини амалга ошириш орқали таъминланади, у давлат томонидан тартибга солишининг шакллари ва усуллари тизими сифатида ишлайди ва Россия хавфсизлигини нафақат ҳукуқий, балки иқтисодий характердаги чора-тадбирлар орқали таъминлайди” [3].

Адабиётлар шарҳи. Иқтисодий ва ҳукуқий адабиётлар ҳамда меъёрий ҳужжатларда солиқ назоратига турлича таърифлар берилган.

А.С.Адвокатова солиқ назоратига қўйидагича таъриф берган: “Солиқ назорати, солиқ маъмурологияни тизимининг ажралмас қисми сифатида, жамиятнинг барча жабҳаларида давлат олдида турган муаммоларни ҳал этишни таъминлайдиган, давлатнинг молиявий ресурсларини энг самарали шакллантириш, тақсимлаш ва улардан фойдаланишнинг ҳукуқий механизмини такомиллаштириш учун йўналишлар ва йўлларни таъминлайдиган давлатнинг молиявий сиёсатини амалга ошириш” [4].

Т.А.Ефремованинг фикрига кўра, самарали солиқ назоратини ташкил этишнинг биринчи навбатдаги шарти эса солиқ ва бухгалтерия ҳисоботларининг электрон тарзда тақдим этишнинг замонавий илғор ахборот технологик тизимга асосланган солиқ назорати ҳисобланади [5].

Россия Федерацияси Солиқ Кодексининг 82-моддасида солиқ назорати қўйидагича эътироф этилган: “Ушбу Кодекс билан белгиланган ваколатли органларнинг солиқ тўловчилар томонидан солиқлар ва йиғимлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назорат қилишга доир фаолияти солиқ назорати деб эътироф этилади” [6].

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 135-моддасида солиқ назоратига таъриф берилмасада, у қўйидагича эътироф этилган: “Ваколатли органларнинг солиқ тўловчилар ва солиқ агентлари томонидан солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назорат қилишга доир фаолияти солиқ назоратидир” [7].

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 7 январдаги “Солиқ хавфини бошқариш, солиқ хавфи мавжуд солиқ тўловчиларни (солиқ агентларини) аниқлаш ва солиқ текширувларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 2-иловаси “Солиқ текширувларини ташкил

этиш ва ўтказиш тартиби түғрисида НИЗОМ”да (2021) солиқ назорати қуидагиңа қайд этилган: “Солиқ текширувлари солиқ тұловчилар, ығимларни тұловчилар ва солиқ агентлари томонидан солиқ түғрисидеги қонун хужжатларига риоя этилиши устидан назорат қилиш мақсадида ўтказилади” [8].

Л.И.Гончаренко ва бошқаларнинг фикрича: Солиқ назорати учун рақамлы технологиялардан фойдаланиш мақсадлари қуидагилар:

- 1) солиқ тұловчиларнинг йўқотишилари ни камайтириш;
- 2) солиқ назорати тизимининг назарий ва амалий асосларини такомиллаштириш;
- 3) қулай солиқ мұхитини яратиш мақсадида модернизациятсия қилиш;
- 4) таҳлилий аппаратни такомиллаштириш[9].

Ф.И.Исаев “Рақамли иқтисодиётни солиқ тизимиға жорий этгандан:

- йирик корхоналар томонидан қўлланилган солиқларни тұлашдан бөш тортиш тизимларнинг кенг доирасига ойдинлик кирилади, бу адолатли солиққа тортиш зарурлиги түғрисида жамоатчилик ўртасида қизғин мұнозараларни келтириб чиқаради;
- хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий, статистик ва солиқ ҳисоботларини тезда таҳлил қилиш имконини беради;
- таҳлика-таҳлил ишларини йўлга қўйганда, керакли ҳисоботлар асосида тезда маълумотларни қайта ишлаб, хулоса олишни содалаштиради;
- ҳар қандай хўжалик юритувчи субъект фаолияти бўйича объектив баҳо берилишини таъминлайди;
- ҳозирги вақтда фойдаланувчи маълумотлари муҳокама марказида бўлса-да, иқтисодиётнинг рақамлаштирилиши яқин кела-жақда маълумотларнинг кенг спектрларини ақлли маълумотларга айлантиришга ёрдам беради” [10].

Шунингдек, Ф.И.Исаев бошқа бир тадқиқотида: “Бугунги иқтисодий ислоҳотлар ва бозор иқтисодиётiga ўтишнинг жадалашган даврида таҳлика таҳлил дастурининг афзалиги олиб борилаётган текширувлар мобайнида фаолият кўрсатаётган барча хўжалик юритувчи субъектларни ишлаб чиқилган мезонлар асосида хавфлилек даражасини аниқлаб, солиқ органлари томонидан уларнинг фаолияти хусусида түғри қарор қабул қилиш имконини беради ва хукумат томонидан қўйилаётган мұхим талаб: тадбиркорлар фаолиятига тўсқинлик қилувчи турли хил солиқ

текширувларини камайтириб, хавфлилек даражаси ўрта ва юқори бўлган ҳолатларда солиқ текширувларини (камерал текширув, сайёр текширув, солиқ аудити) түғри ўтказилишини таъминлайди” [11].

Тадқиқот методологияси. Мақолада рақамлаштириш шароитида солиқ назоратининг иқтисодий моҳияти монографик ўрганишлар асосида очиб берилган. Тадқиқотнинг долзарблиги иқтисодиётнинг рақамли трансформацияси билан белгиланади, бунинг натижасида солиқ назорати имкониятлари ва усулларини кенгайтириш орқали солиқ маъмурчилиги томонидан тартибга солиниши керак бўлган солиқ тұловчилар ўртасида муносабатларнинг янги турлари пайдо бўлишидир. Маълумотлар таҳлил қилиниб, анализ ва синтез, индукция ва дедукция методлари қўлланилди ҳамда уларга асосланган таклифлар берилди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси. Рақамлаштириш нафақат солиқ назорати учун янги объектларнинг пайдо бўлишини назарда тутади, балки солиқ маъмуриятчилигида солиқ тұловчилар билан ўзаро ҳамкорлик жараёнларини соддалаштириш нуқтai назаридан қўшимча имкониятлар яратади.

Солиқ назоратини рақамлаштириш асосида такомиллаштириш бораси Европада маълум ишлар амалга оширилмоқда. Европада алоҳида мамлакатларда ягона ҳисобот стандарти жорий қилинган. OECD (Organisation for Economic Co-operation and Development) томонидан ишлаб чиқилган ягона ҳисобот стандарти SAF-T(Standard Audit File for Tax) Европа Иттифоқининг турли мамлакатларида фаол амалга оширилмоқда. Масалан, 2020 йилда ушбу ягона стандарт Норвегия томонидан жорий этилган[12]. SAF-Тнинг амалга оширилиши солиқ органларига кўпроқ маълумот тўплаш имконини беради, натижада ығимлар кўпаяди ва ҚҚС бўшликлари камаяди. Европа мамлакатларининг ягона ҳисобот стандарти SAF-T(Standard Audit File for Tax)ни қўллаш тажрибасини мамлакатимиз амалиётида фойдаланишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Шунингдек, криптовалюталар билан операцияларни солиқ назорати соҳасида Австралия ва АҚШ амалиётларини Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси фаолиятига жорий этиш криптовалюталардан молиявий схемаларида фойдаланаётган солиқ тұловчиларнинг ҳисобини юритиш имконини беради [13]. Бунинг учун Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси ва бошқа меъё-

рий хужжатларга криптовалюталарни солиқ назорати бўйича тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш зарур.

Мамлакатимиз иқтисодиётини рақамлаштиришнинг ривожланиши шароитида солиқ назоратини ва умуман солиқ тизимини ўзгартириш заруратга айланди, чунки рақамлаштириш катта маълумотлар ва рақамли технологиялардан фойдаланишни ўз ичига олади. Солиқ назоратини ривожлантиришнинг асосий муаммоларидан бири бу "катта маълумотлар" (Big Date) деб аталадиган технологияларни жорий этишдир. Ушбу технологиялар (Big Date) туфайли солиқ органлари учун бир қатор имкониятлар очилади: улар солиқ тўловчи ҳақидаги маълумотларга эга бўлади, солиқ тўловчиларнинг ноқонуний фаолиятини ва солиқ тўлашдан бўйин товлаш ҳолатларини аниқлаш имкониятига эга бўлади.

Россия Федерацияси амалиётида, иқтисодиётни рақамлаштириш шароитида солиқ

назоратини такомиллаштириш асосида солиқ органлари томонидан "Налог-3" АИС, АСК НДС-3, идоралараро ва давлатлараро ахборот алмашинуви, шунингдек, солиқ ҳисботларини электрон шаклга ўтказиш каби янги ахборот технологияларидан фаол фойдаланилмоқда [14].

Россия Федерацияси Солиқ кодексида солиқ назоратининг кўйидаги шакллар қўлланилади: солиқ текширувлари; солиқ тўловчилардан тушунтиришлар олиш; Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисбот маълумотларини текшириш; даромад (фойда) олиш учун фойдаланиладиган бинолар ва худудларни кўздан кечириш ва кодексида назарда тутилган бошқа шакллар [15]. Ушбу кодекснинг 87-моддасида солиқ текширувининг икки тури, сайёр ва камерал солиқ текширувлари кўзда тутилган. Россия Федерациясида 2018-2020 йилларда ўтказилган солиқ текширувлари сони ва натижалари таҳлили (1-жадвал).

1-жадвал

Россия Федерациясида 2018-2020 йилларда ўтказилган солиқ текширувлари сони ва натижалари таҳлили [16]

| № | Кўрсаткичлар | 2018 | 2019 | 2020 |
|----|---|----------|------------|----------|
| 1. | Камерал текширувлари | 67889986 | 62 802 102 | 61490686 |
| 2. | шундан: аниқланган қоидабузарликлар. | 3530186 | 2447597 | 2383741 |
| 3. | Камерал солиқ текширувлари самарадорлиги, % | 5,19 | 3,89 | 3,88 |
| 4. | Жами - ташкилотларнинг сайёр солиқ текшируви текширувлари, индивидуал. тадбиркорлар, хусусий амалиётчилар ва шахслар. | 14167 | 9332 | 6143 |
| 5. | шундан: аниқланган қоидабузарликлар. | 13847 | 8975 | 5869 |
| 6. | Сайёр солиқ текширувлари самарадорлиги, % | 97,74 | 96,17 | 95,54 |

1-жадвалда Россия Федерациясида 2018-2020 йилларда ўтказилган солиқ текширувлари сони ва натижалари таҳлили келтирилган бўлиб, 2018 йилда 67 889 986 та камерал текширувлари ўтказилган бўлса, 2020 йилда 61 490 686 та ўтказилиб, 6399300 тага камайганлигини кўришимиз мумкин. Аниқланган қоидабузарликлар 2018 йилда 3530186 та бўлса, 2020 йилда 2383741 тани ташкил этиб, 1146445 тага камайган. Шунингдек, камерал солиқ текширувлари самарадорлиги 2018 йилда 5,19 фоиздан 2020 йилга 3,88 фоизга камайган бўлса, фарқ 1,31 фоиз ҳамда сайёр солиқ текширувлари самарадорлиги мос равиша 2018 йил 97,74 фоиз бўлса, 2020 йилда 95,54 фоиз бўлиб, фарқ 2,2 фоизга тенг.

Ушбу жадвалдан келиб чиқадиган бўлсақ, солиқ текширувини камерал ва сайёр солиқ текшируvida ўтказишида қисқариши кузатилмоқда. Шу билан бирга, шуни таъкидлаш жоизки, жойларда солиқ текширувлари-

нинг самарадорлиги камерал текширувларга қараганда анча юқори, аммо шуни таъкидлаш керакки, солиқ тўловчи томонидан тақдим этилган солиқ ҳисботи солиқ органида мавжуд бўлган маълумотлар билан таққосланадиган солиқ текширувани ўтказиш учун асос бўлади. Касса текшируви ўтказилгандан сўнг, агар ҳисботда номувофиқликлар аниқланса, солиқ органининг ваколатли ходими бу ҳақда солиқ тўловчини хабардор қилиши ва аниқ тушунтиришларни талаб қилиши шарт. Шунинг учун солиқ ҳисботида келишмовчиликларни ҳал қилишда ҳеч қандай ҳуқуқбузарлик йўқ деб ҳисобланади. Шундай қилиб, биз солиқ назорати вақтида вазифалардан бири солиқ тўловчиларни мавжуд солиқ ҳуқуқбузарликлари ва уларни тузатиш имконияти тўғрисида хабардор қилишидир, деган холосага келишимиз мумкин. Шу боис, солиқ назорати вақтида қонунбузарликлар аниқланган текширишлар сони жойида ўтказилган солиқ

текширувларига қараганда камроқ. Солиқ текширувлари самарадорлиги динамикасини таҳлил қилгандан сўнг, пасайиш кузатилмоқда, бу биринчи навбатда икки турдаги солиқ текширувларини ўтказишнинг қисқариши билан боғлиқ.

Шу ўринда мамлакатимиздаги солиқ назорати бўйича тадбирларни таҳлил қиладиган бўлсақ, аввало, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 136-моддасида солиқ назоратининг солиқ текширувлари ва солиқ моз

ниторинги шаклида амалга ошириш кўзда тутилган.

Солиқ кодексининг 137-моддасида солиқ текширувларининг қўйидаги

1) камерал солиқ текширувлари;

2) сайёр солиқ текширувлар;

3) солиқ аудити каби турлари келтириб ўтилган [7].

Мамлакатимизда молия-хўжалик фаолияти бўйича ўтказилган солиқ текширувлари тўғрисидаги маълумотларни 2-жадвалда таҳлил қилсакда ҳолатни кўриб чиқсан.

2-жадвал

Молия-хўжалик фаолияти бўйича ўтказилган солиқ текширувлари таҳлили [17], млрд.сум

| Йиллар | Жами текширувлар ўтказилди | шундан | | | Кўшимча солиқлар ва тўловлар миқдори | Қўлланиладиган молиявий санкциялар миқдори | Текширувлар натижасида ундирилган суммалар |
|--------|----------------------------|-------------------------------------|---------------------|----------------------------|--------------------------------------|--|--|
| | | Солиқ органларининг ташабbusи билан | жиноий ишлар бўйича | ихтиёрий тугатиш тўғрисида | | | |
| 2016 | 18 624 | 5 637 | 3 675 | 4 150 | 890,8 | 457,5 | 693,2 |
| 2017 | 15 131 | 5 664 | 1 876 | 3 465 | 767,2 | 352,6 | 469,7 |
| 2018 | 6 998 | 0 | 1 845 | 3 939 | 809,4 | 487,2 | 236,6 |
| 2019 | 5 356 | 0 | 1 567 | 3 487 | 906,4 | 402,0 | 178,6 |
| 2020 | 12 423 | 0 | 1 842 | 10 581 | 1 385,2 | 1 620,5 | 137,5 |
| 2021 | 33 337 | 139 | 3 419 | 29 729 | 2 893,8 | 2 535,3 | 687,0 |

2-жадвалда 2016-2021 йилларда ўтказилган солиқ текширувлари бўйича маълумотлар келтирилган бўлиб, 2016 йилда 18 624 та солиқ текширувлари ўтказилган бўлса, 2021 йилда бу кўрсаткич 33 337 тани ташкил этмоқда, яъни солиқ текширувлари сони 14713 та ошганлигини кўришимиз мумкин. Шунингдек, 2016 йилда 5 637 та, 2017 йилда 5 664 та солиқ текширувлари солиқ органларининг ташабbusи билан ўтказилган бўлса, 2018-2020 йилларда 0 га teng бўлган, 2021 йилда эса 139 маротаба ўтказилганлигини кўриш мумкин. Сабаби Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сон Фармони билан молия-хўжалик фаолиятини режали текширишга, яъни режали тафтишга (жиноят ишлари бўйича тафтиш билан чалкаштирманг) 2 йил муддатга мораторий эълон қилинди.

Қабул қилинган ҳужжат билан айrim турдаги текширишларни бекор қилишнинг янги босқичига йўл очиб берилиди. Чунончи, 2018 йил 1 сентябрдан бошлаб қўйидагилар бекор қилинди:

- тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган режали текширувлар (яъни мораторий

остига тушмаган ва ёнфинга қарши, санитария, энергетика назорати, давлат ветеринария хизмати ва бошқа органлар томонидан ўтказилаётган режали текширувлар);

- тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган назорат тартибидағи текширувлар – назорат органлари ўтган текширишда қайд этилган ҳуқуқбузарликларни хўжалик юритувчи субъектлар бартараф этганигини текшириши.

Шу тариқа, 2018 йил 1 сентябрдан бошлаб, илгаригидек, қўйидагилар ўтказилади:

- жиноят ишлари доирасида ўтказиладиган молия-хўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш) (ЖПКнинг 22-1-боби);

- юридик шахс тугатилиши муносабати билан молия-хўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш);

- жисмоний ва юридик шахсларнинг қонунчилик бузилганлиги ҳолатлари бўйича берган мурожаатлари асосида ўтказиладиган қисқа муддатли текширувлар;

- камерал назорат;
- нақд пул тушуми келиб тушиши хронометражи;

- 2018 йилдан жорий этилган солиқ мониторинги ҳамда хўжалик юритувчи субъ-

ектлар ходимларининг ҳисоботдаги ва ҳақиқатдаги сони мувофиқлиги устидан мониторинг.

Текширувлар натижасида ундирилган суммалар 2016 йилда 693,2 млрд.сўм бўлса, 2021 йилда 687,0 млрд.сўмни ташкил этиб, олиб борилаётган солиқ текширувларининг самарадорлигини кўрсатмоқда.

Хулоса ва таклифлар. Юқоридагиларга асосан қуйидаги хулосалар қилинди:

Солиқ маъмуриятчилиги соҳасида рақамлаштиришнинг ривожланиши солиқ назорати самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатади ва корхонада тўғридан-тўғри солиқ текширувларини ўтказишдан чегараланиш, солиқ тўловчиларга барча солиқларни ихтиёрий равища тўланиши лозим бўлган солиқлар, шунингдек, уларнинг солиқ мажбурият-

ларини аниқлаштириш, тўлаш учун имтиёзлар яратишга ўтиш имконини беради.

Мамлакатимиз иқтисодиётини рақамлаштиришнинг ривожланиши шароитида солиқ назоратини ва умуман солиқ тизимини ўзгартириш заруратга айланди, чунки рақамлаштириш катта маълумотлар ва рақамли технологиялардан фойдаланишини ўз ичига олади. Солиқ назоратини ривожлантиришнинг асосий муаммоларидан бири бу "катта маълумотлар" (Big Date) деб аталадиган технологияларни жорий этишдир.

Солиқ назоратини рақамлаштириш асосида такомиллаштириш борасидаги Европа, Австралия ва АҚШ каби мамлакатлар тажрибасини мамлакатимиз амалиётига жорий этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 24-январь 2020 йил.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5-октябрдаги "Рақамли Ўзбекистон - 2030" стратегиясини тасдиқлаша ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-6079 сонли Фармони.
3. Голик Е.Н., Асатрян А.Г. Развитие налогового контроля и его воздействие на экономическую безопасность страны // Наука и образование: хозяйство и экономика; предпринимательство; право и управление. 5 (108). 2019.
4. Адвокатова А.С. Налоговый контроль в условиях модификации отношений налоговых органов и налогоплательщиков. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук Москва – 2019, 26 с.
5. Ефремова Т.А. (2017), Развитие налогового администрирования в России: теория, методология, практика. Диссертация на соискание ученой степени доктора экономических наук. МГУ. Саранс. стр. 366.
6. Налоговый кодекс Российской Федерации (часть первая)" от 31.07.1998 N 146-ФЗ (ред. от 27.12.2019) (с изм. и доп., вступ. в силу с 01.01.2020)
7. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. 2022.
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 7 январдаги "Солиқ ҳавфини бошқариш, солиқ ҳавфи мавжуд солиқ тўловчиларни (солиқ агентларини) аниқлаш ва солиқ текширувларини ташкил этиши ва ўтказиш тўғрисида"ги 1-сонли қарорининг 2-илюваси "Солиқ текширувларини ташкил этиши ва ўтказиш тартиби тўғрисида НИЗОМ".
9. Гончаренко Л. И., Малкова Ю. В., Адвокатова А. С. Актуальные проблемы налоговой системы в условиях цифровой экономики // Экономика. Налоги. Право. — 2018. — № 2. — URL: https://cyberleninka.ru/article/n_aktualnye-problemy-nalogovoy-sistemy-v-usloviyah-tsifrovoy-ekonomiki (дата обращения: 7.09.2022).
10. Исаев Ф.И. Солиқ текширувларини рақамлаштириш зарурияти. "Бизнес-эксперт" илмий журнали. 2021. - № 6. - 52-54 б.
11. Исаев Ф.И. Солиқларни таҳлика-таҳлил қилиш методикаси. "Иқтисодиёт ва инновацион технологиилар" электрон илмий журнал. 2021. - № 3. - 367-377 б.
12. SAF-T Financial [Электронный ресурс] // The Norwegian Tax Administration 2019 URL: <https://www.skatteetaten.no/> (Дата обращения: 7.09.2022).
13. Секущин А.Ю. — Цифровизация и налоговый контроль: опыт зарубежных администраций и возможности его имплементации в России // Налоги и налогообложение. – 2021. – № 3. – С. 26 - 38.
14. Кирова Е.А., Кожебаткина А.В. Модернизация налогового контроля в условиях цифровизации экономики//Вестник университета. 2020. № 9. С. 94–99.
15. Налоговый кодекс Российской Федерации. Статья 82.2022.
16. Отчет по форме № 2-НК. [Электронный ресурс]. – официальный сайт. – Режим доступа: Отчет по форме № 2-НК за 2020 год | ФНС России | (nalog.ru) (дата обращения 5.09.2022).
17. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилган.
18. Kurbanov, Ziyat Niyazovich, and Komil Khotamov. "Issues of improving analysis of taxes." социально-экономическое развитие россии и регионов в цифрах статистики. 2017.
19. Niyazovich, Kurbanov Ziyat. "Organization of Tax Audit in the Republic of Uzbekistan." International Journal of Research in Social Sciences 10.4 (2020): 34-43.
20. Исаев, Ф. (2021). Совершенствование методики расчета налоговой нагрузки. Экономика и образование, (6), 86–91. извлечено от <https://cedr.tsue.uz/index.php/journal/article/view/286>
21. Исаев. Ф. Камерал солиқ текширувларини ўтказишида солиқ таҳлилидан фойдаланишини такомиллаштириш //Экономика и образование. – 2021. – №. 4. – С. 172-176.
22. Курбанов З.Н., Исаев Ф.И. Налоговый анализ как новое направление экономического анализа //актуальные вопросы совершенствования бухгалтерского учета, статистики и налогообложения организаций. – 2017. – С. 246-254.